

цифровых платформ. Реализация этих задач требует подготовки квалифицированных специалистов, совершенствования нормативной базы и интеграции с международными стандартами.

Эффективность финансового рынка напрямую зависит от уровня информационной прозрачности. В развитых странах значительную роль играют специализированные деловые издания, такие как The Wall Street Journal, Financial Times и Коммерсантъ, которые обеспечивают инвесторов аналитической информацией и способствуют формированию ожиданий относительно рыночной конъюнктуры.

В Республике Узбекистан формирование аналогичной специализированной информационной платформы способствовало бы развитию фундаментального анализа, повышению финансовой грамотности и вовлечению населения в инвестиционные процессы. Это особенно актуально в условиях цифровизации экономики и расширения онлайн-платформ для торговли ценными бумагами.

Развитие цифровых технологий открывает возможности для создания единого информационного пространства, повышения прозрачности эмиссии и обращения ценных бумаг, а также интеграции национального рынка в глобальную финансовую систему.

Таким образом, несмотря на проводимые реформы и стратегическую ориентацию на модернизацию финансовой системы, финансовые рынки республики сталкиваются с рядом системных проблем. К их числу относятся ограниченная ликвидность фондового рынка, несовершенство практики андеррайтинга, административный характер процентной политики, слабое развитие производных инструментов и недостаточная информационная прозрачность.

Для обеспечения устойчивого экономического роста необходимо комплексное совершенствование нормативной базы, переход к рыночным механизмам ценообразования, развитие институтов коллективного инвестирования и повышение уровня цифровизации. Реализация данных мер позволит усилить роль финансового рынка как ключевого механизма мобилизации капитала и повышения конкурентоспособности национальной экономики.

ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАРДА КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Дусмухамедов Ойбек Суратбекович
Ўзбекистон Миллий Университети “Макроиқтисодиёт”,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
“Маданият ва санъат менежменти” кафедралари доценти, PhD

Бугунги кунда креатив иқтисодиёт кўплаб давлатларда иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 3-7 фоизи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимизда 2024 йилда креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 3,7 фоизни ёки 56,8 триллион сўмни ташкил этган, экспорт ҳажми эса 770,6 миллион долларга етган, соҳада 319 минг нафардан ортиқ аҳоли банд [5].

2024 йилда креатив иқтисодиёт тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилган [1]. Мамлакатимизда 2030 йилга қадар креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини 5 фоизга ёки 145 триллион сўмга етказиш, экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш, соҳадаги банд аҳолини 500 минг нафардан ошириш мақсад қилинган. Ушбу мақсадларга эришишда креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг тараққий этган мамлакатларнинг амалиётини қиёсий таҳлил қилиш асосида ундан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича тараққий этган мамлакатлар амалиётини молиялаштириш манбаи, соҳа бошқарувини ташкил этиш ҳолати, креатив индустрия талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш тизими ҳолати, ҳамда, соҳанинг ижтимоий таъсир кўлами каби мезонлар асосида қиёсий таҳлил қилиш (1-жадвалга қаранг) орқали ҳар бир мамлакат учун ўзига хос бўлган қуйидаги хусусиятлар хос эканлиги аниқланди:

1-жадвал

Тараққий этган мамлакатларда креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлили⁴

Қиёсий таҳлил мезони	АҚШ	ЕИ мамлакатлари	Буюк Британия	ИХТТ мамлакатлари
Молиялаштириш шакли	Венчур капитал, хусусий сектор	Грантлар, Европа Комиссияси дастурлари	Давлат бюджети ва экспортдан олинган даромад ҳисобидан	Аралаш: давлат грантлари билан хусусий сектор
Бошқарув хусусияти	Номарказлашган бошқарув	Тармоқлараро интеграциялашган бошқарув	Миллий стратегия асосида бошқарилади	Илмий ва инновацион марказлашув хусусияти
Таълим модели	STEAM модели	Рақамли таълим дастурлари	STEAM + технологик устуворлик	STEAM ва умрбод таълим (Lifelong Learning)
Ижтимоий таъсир кўлами	Иқтисодий ўсишга устуворлик қаратилган	Инклюзивлик ва диверсия устувор ҳисобланади	Экспортга қаратилган, глобал таъсирни кенгайтириш	Барқарор ривожланиш мақсадлари асосида

⁴ Муаллиф томонидан тузилган

ЕИ мамлакатлари – ЕИ таркибига кирувчи мамлакатларнинг ўзига хос маданиятларини ўзаро уйғунлаштирган умумий хусусиятларни аниқлаш асосида, минтақада креатив иқтисодиёт соҳасида инклюзивлик ва барқарор ўсишни таъминлашга устуворлик қаратилганлиги билан характерланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан нисбатан кучсиз ва кичик ҳисобланган айрим мамлакатлар креатив иқтисодиётни ривожлантиришда ортда қолаётганлиги минтақавий даражада креатив индустрия ривожланишидаги табақалашув даражасини ошириб юбориши хавфи мавжуд [3];

Буюк Британия – глобал креатив индустрияда миллий брендни шакллантириш, унинг ўрнини янада яхшилаш ва халқаро даражада таъсир доираларини кенгайтириш, соҳада экспортни рағбатлантиришга устуворлик қаратилганлиги билан характерланади. Шунингдек, мамлакатда “Brexit”дан кейинги даврда креатив индустрияни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни тизимли тартибда бартараф этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд ҳисобланади [4];

ИХТТ мамлакатлар – барқарор ривожланиш мақсадлари асосида “яшил” иқтисодиётнинг “ESG” тамойиллари орқали кенг қамровли стратегияларни амалга ошириш хусусиятига эга ҳисобланади. Жумладан, ИХТТ мамлакатлари иқтисодий ривожланиш ҳолати ва салоҳияти жиҳатидан турли даражадаги мамлакатлардан ташкил топганлиги сабабли, улар ўртасида тенглик, “ESG” тамойиллари тизими, ҳамда рақамли трансформациялашув ҳолатлари бўйича умумий йўналишни белгилаш жараёни билан боғлиқ муаммолар ва зиддиятли ҳолатлар мавжудлиги билан характерланади.

Креатив иқтисодиётни ривожлантиришнинг илғор хориж амалиётини қиёсий таҳлил қилиш асосида улардан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш мумкин бўлган жиҳатлари (2-жадвалга қаранг) аниқланди.

Тараққий этган мамлакатларда креатив иқтисодиётни ривожлантириш-нинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш асосида уларни мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш мумкин бўлган қўйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга эришилди:

биринчи галда, миллий даражада креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича стратегик йўналишларни ишлаб чиқишда:

“2026-2030 йилларда креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси”ни ишлаб чиқиш;

Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби вилоятларда “Инновация + маданий мерос” форматидagi “Туризм + Дизайн” марказларини шакллантириш;

“Creative Uzbekistan” ягона платформасини шакллантириш асосида миллий креатив индустрияни ривожлантириш бўйича тренинглари,

грантлар, креатив лойиҳаларни тизимли равишда ўзаро бирлаштириш имконини берувчи экотизимни шакллантириш.

2-жадвал

Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича тараққий этган мамлакатлар амалиётидан Ўзбекистонда ижодий фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар⁵

Мамлакатлар	Ўзбекистонда фойдаланиш мумкин бўлган амалиёти	Ўзбекистонда қўллаш механизми
АҚШ	Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш (стартап грантлари, “Creative HUB”лар)	ИТ-парк хузурида “Creative Tech Park” лойиҳасини амалга ошириш
Буюк Британия	“Creative Industries Sector Deal” дастури асосида глобал даражада стратегик ривожланиш	Давлатнинг стратегик дастурларини ишлаб чиқиш ва экспорт салоҳиятидан фойдаланиш
ЕИ мамлакатлари	“Creative Europe” дастури асосида грантлар ажратиш ва креатив кластерларни ривожлантириш	Вилоятларнинг маданий мерос объектлари, креатив иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларидан келиб чиқиш Европа Комиссияси билан ҳудудий креатив марказлар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда ўзаро ҳамкорлик қилиш
ИХТТ мамлакатлар	Креатив таълим, “ЕСG” тамойилларига интеграциялашган креатив иқтисодиёт, инклюзив креатив стратегиялар	Таълим тизимини креатив иқтисодиёт талаблари асосида ислоҳ қилиш ва кадрлар тайёрлаш самарадорлиги ошириш ҳисобига инклюзивликка эришиш

иккинчи, креатив иқтисодиётни ривожланишини молиялаштириш ва инвестицияларни жалб этиш йўналиши бўйича:

кичик креатив стартап лойиҳалар учун грантлар ва имтиёзли микрокредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

креатив индустрия соҳасида жамоавий фондлар орқали молиялаштириш имконини берувчи кроудфандинг (Crowd Funding) платформаларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик механизми асосида “Креатив ҲАБ” марказлари фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантириш;

учинчи, креатив индустрия талабларига мос келадиган кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш:

олий таълим муассасаларида креатив индустриянинг таркибий соҳаларининг тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, “STEAM”, “STEMM” ёки “STREAM” таълимини жорий этиш;

⁵ Муаллиф томонидан тузилган

халқаро даражада ёш ижодкор синфларнинг хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганишини таъминлаш мақсадида креатив мобиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Фикримизча, юқорида билдириб ўтилган таклифлар асосида мамлакатимиз амалиётида креатив иқтисодий рижлантириш бўйича юқори иқтисодий самарадорликка эришилиб, глобал креатив индустрия маҳсулотлари бозорида миллий брендни шакллантириш ва унинг ўрнини янада мустаҳкамлашга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Креатив иқтисодий тўғрисида”ги ЎРҚ-970-сон Қонуни, 03.10.2024 й.
2. World Bank, 2023; Power, 2010; Giblin & Doctorow, 2022
3. European Commission (2021) — Creative Europe Programme 2021–2027.
4. UK Department for Digital, Culture, Media & Sport (DCMS) — Creative Industries Sector Vision (2023)
5. <https://president.uz/uz/lists/view/8935>

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жиянова Наргиза Эсанбоена

ТДИУ «Молия ва молиявий технологиялар» кафедраси профессори,
и.ф.д.

Аннотация. Мақолада корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хусусан, молиявий ресурсларни шакллантириш, жойлаштириш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг рационаллигини комплекс таҳлил қилишга қаратилган ёндашувлар асосланган. Бошқарув қарорларининг молиявий оқибатларини баҳолаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш ва молиявий мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларнинг иқтисодий мақбуллигини аниқлаш методик асослари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш, капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва молиявий хавфларни камайтиришга хизмат қилувчи комплекс баҳолаш тизимини шакллантириш имконини беради. Таклиф этилган ёндашувлар замонавий иқтисодий шароитда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Калит сўзлар: корхона молиявий ресурслари, корхона капитали, молиявий фаолият, cash-flow, хусусий капитал, қарз капитали, тақсимланмаган фойда, айланма маблағлар ва бошқалар.